Илм – ўзни билмакдир

# МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1995 йил 23 август, чоршанба

Баҳоси сотувда эркин нархда.

33 (6679)

*Мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги олдидан*

## БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

19 август куни Вазирлар Маҳкамасида Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар, идоралар, уюшмалар ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 4 йиллигини катта қувонч билан кутиб олмоқда. Улкан бунёдкорлик ишларининг жадал суръатда олиб борилиши эса ана шу қутлуғ байрам шарафига ўзига хос совғадир.

Мажлисда байрам тантаналарига тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари С. Саидқосимов, М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

**(ЎзА)**



## ҚАДАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН

*Дунё қадамлар силсиласидан иборат. Болалик қадамлар силсиласидан иборат. Бу қадамлар — комилликка элтувчи қадамлар. Бу қадамлар — ёрқин келажакка элтувчи қадамлар... Бу қадамлар мактабда шаклланади. Илм, Маърифат булоғидан куч олади. Ва Ўзбекистон дея аталмиш буюк юртнинг қатордаги норига айланади. Зеро, қаторданоринг бўлса, юкинг ерда қолмайди..*

*Тошкентдаги 320-боғча тарбияланувчилари ҳам шундай муқаддима олдида туришибди. Бу муқаддима мактабга илк қадам билан бошланади. Биз уларга қадамингиз қутлуғ бўлсин, деб қоламиз.*

**Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**



*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ПЕНСИЯЛАР, НАФАҚАЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА РЕСПУБЛИКАНИНГ БЮДЖЕТ МУАССАСАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш ва меҳнат ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини ошириш мақсадида:

1. 1995 йил 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида:

иш ҳақининг энг оз миқдори — ойига 250 сўм;

меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори — ойига 645 сўм;

фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади энг оз миқдори — ойига 400 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряднинг энг оз миқдори — ойига 400 сўм миқдорида белгилансин.

2. 1995 йил 1 сентябридан:

бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,33 баравар;

мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, бошқа халқ таълими муассасалари ўқитувчиларининг, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбарларининг иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича разрядни ошириш ҳисобига ўртача 1,5 баравар кўпайтирилсин.

3. 1995 йил 1 сентябридан бошлаб ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турдаги пенсияларнинг, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг миқдорлари ўрта ҳисобда 1,33 баравар оширилсин.

4. 1995 йил 1 сентябридан қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун оналарга нафақалар миқдори ойига 350 сўм;

болалигидан ногиронлар учун нафақалар миқдори ойига 645 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун нафақалар миқдори ойига 400 сўм.

5. Иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу Фармонда кўрсатилган энг оз иш ҳақи миқдори асосида 1995 йил 1 сентябридан бошлаб амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларига асосланиб пенсиялар, нафақалар, стипендияларнинг ва ходимлар мансаб окладларининг миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

7. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ошириш билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва ижтимоий суғурта фонди ҳисобидан қоплансин.

8. Бюджет ҳисобидан пул билан таъминланувчи муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларини рағбатлантириш мақсадида уларга меҳнат ҳақи фондининг 15 фоизи миқдорида ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фондини ташкил қилишга рухсат берилсин.

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига мазкур фонд маблағлари ҳисобидан ходимларнинг иш ҳақига шахсий устама ҳақларни белгилаш ҳуқуқи берилсин.

Ана шу фондни ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлар 1995 йилда меҳнат ҳақи фондини тежаш ҳисобидан, 1996 йилдан бошлаб эса республика бюджети ҳисобидан қоплансин.

Молия вазирлиги бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисида Низомни тасдиқласин ҳамда уни аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланилиши устидан таъсирчан назоратни амалга оширсин.

9. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар иш ҳақини ўзларининг даромад манбалари ҳисобидан меҳнат ҳақи фонди доирасида оширсинлар ва бунда мазкур Фармон билан белгиланган энг оз иш ҳақи кўпайтирилишини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 7 февралдаги 1080-сон Фармони (4-банди бундан мустасно) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилишни таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 16 август.

## «ПЕНСИЯЛАР, НАФАҚАЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА РЕСПУБЛИКАНИНГ БЮДЖЕТ МУАССАСАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИГА

## ШАРҲ

Давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон ҳукумати республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини доимо диққат марказида тутиб келмоқдалар. Мамлакатимиз Президентининг ушбу Фармони ҳам бунинг далили бўлиб, уни рўёбга чиқаришга фақат шу йилнинг охиригача республика бюджетидан 6 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади, бир йилга ҳисоблаганда эса 18 миллиард сўмни ташкил қилади.

Бу эса хизматлари эвазига ҳақли равишда дам олаётган фуқароларнинг барча турдаги пенсияларини, шунингдек, республика олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияларини ўрта ҳисобда 1,33 баравар кўпайтириш имконини беради. Меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори 1,5 баравар оширилади ва 645 сўмни, стипендиялар миқдори эса 565 сўмни ташкил қилади. Шу мақсадлар учун бюджетдан 2,3 миллиард сўм маблағ сарфланади.

Бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун оналарга бериладиган нафақалар 1,4 баравар оширилади, болалигидан ногиронлар учун нафақалар эса 1,6 баравар кўпайтирилади ва ойига 645 сўмни ташкил қилади. Бунинг учун йил охиригача бюджетдан 500 миллион сўм маблағ ажратиш талаб этилади.

1 сентябрдан бошлаб энг оз иш ҳақи миқдори 1,7 баравар оширилади ва у 250 сўмни ташкил этади. Фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади ойига 400 сўм миқдорида белгиланаяпти. Бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи 1,33 баравар кўпайиб, ўрта ҳисобда 910 сўмни ташкил қилади, бу эса йил охиригача 3 миллиард сўмдан кўпроқ қўшимча маблағ ажратилишини тақозо этади.

Шу билан бир қаторда Фармонда бюджет муассасаларига ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида меҳнат ҳақи фондининг 15 фоизи миқдорида махсус фонд ташкил қилишга рухсат берилади.

Республикада халқ таълими ва олий таълим тизими ходимларига ҳамиша катта эътибор бериб келинди. Фармонда мактаб ўқитувчиларининг, олий ўқув юртлари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақини 1,5 баравар ёки ўрта ҳисобда 400 сўм кўпайтириш кўзда тутилган.

Мазкур Фармонда назарда тутилаётган чора-тадбирлар фақат бюджет маблағлари ҳисобидангина Ўзбекистон аҳолисидан салкам 4,5 миллион кишининг моддий аҳволини яхшилаш имконини беради.

Бундан ташқари, республиканинг хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларига иш ҳақини ўзларининг даромад манбалари ҳисобидан меҳнат ҳақи фонди доирасида ошириш ва бунда мазкур Фармонга мувофиқ энг оз иш ҳақи кўпайтирилишини таъминлаш тавсия этилган.

*Мактаб бозори*

## ҲАММАМИЗ ҚАРЗДОР ДАРГОҲ

*Мактабга ҳам ҳафта вақт қолди. Бу хабар нафақат ўқувчиларни ҳаяжонлантираяпти, балки ота-оналарни ҳам бир оз ўйлантириб қўяяпти, чамамизда — болаларга кийим-кечак, ўқув қуроллари топиш керак. Хўш, жойларда ташкил қилинаётган мактаб бозорлари ота-оналар жонига нечоғлик оро кираяпти экан? Ғаллаорол туман матлубот корпорацияси ҳиссадорлик жамияти раиси Салоҳиддин Сайдуллаевдан шу ҳақда сўрадик.*

— Республика Халқ таълими вазирлиги, «Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув» бошқарувининг ҳамкорликдаги буйруғига асосан Ғаллаорол шаҳрининг тўрт жойида «Мактаб бозори» ташкил қилдик. Бу ҳақда ўз вақтида туман газетасида эълон бериб, ота-оналарни боҳабар этдик. Эллик фоизга арзонлаштирилган нархлар ва маҳсулотлар етарлилиги бу бозорларимизда харидорлар ҳамиша гавжум бўлишини таъминлаяпти.

Ўқувчилар кийими ва ўқув қуролларини эҳтиёжга яраша пештахталарга чиқараяпмиз. Харидорлар эҳтиёжини эса туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ўрганиб чиқдик. Маълум бўлдики, ташкилотимиз 13,5 минг нафар ўқувчига хизмат кўрсатиши лозим экан. Ҳозиргача 69 мингта дафтар, 16 мингта ручка, 21 минг дона қалам, 4 мингта ўчирғич, 1,5 минг портфел ва ҳоказо ўқув қуролларини сотувга чиқардик.

— Пештахталарни маҳсулот билан тўлдириш қийин бўлмаяптими?

— Қийинчиликлар сезиляпти, албатта. Ҳамма жойда бор танқислик «Мактаб бозори»ни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Ўқув қуролларини, кўпгина кийим-кечакларни Россиядан мол айирбошлаш йўли билан келтираяпмиз. Тошкент қоғоз фабрикасига макалатура топшириб, 13 мингта дафтар олдик.

Ишқилиб мўъжаз бозорларимиз пештахталари бўшаб қолмаслигининг иложини қилаяпмиз. Бу бизнинг, қолаверса, барча катталарнинг бурчимиз. Чунки, мактаб ҳаммамизнинг ҳам ўн йиллик умримиз кечган даргоҳ. Бу даргоҳдан қарзимиз кўп. Мавриди келган экан, қарзимизни узмасак, устозлар, ўқитувчилар олдида нима деган одам бўлдик.

**И. БЎРИБОЕВ.**

*«Маърифат» хабарлари*

### БАЙРАМГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ

Яқинда Андижон шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида вилоят маорифчиларининг одатдан ташқари касб байрами бўлиб ўтди. Байрам Истиқлолнинг тўрт йиллигига, ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 70 йиллигига бағишланди. Турли туманлардан ташриф буюрган маорифчилар ўзлари тайёрлаган ўқув қуроллари кўргазмалари билан байрамга янада кўтаринки кайфият бағишладилар.

### ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР БЎЛСА, МАРҲАМАТ!

Ғаллаорол туманида ҳам иқтидорли болаларни алоҳида тарбиялашга эътибор кучаймоқда. Хусусан, янги ўқув йилидан бошлаб ана шундай тарбия масканларидан яна бири фаолият бошламоқчи — Тўйчи Худоёров номли ширкат хўжалигидаги иқтидорли болалар интернати ўз толиби илмларини кутмоқда.

### ФАХРИЙЛАР — ДЎСТЛИК ТАРАФДОРИ

Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг ташаббуси билан «Туркистон — умумий уйимиз» мавзусида фахрийлар анжумани бўлиб ўтди. Унда, Қорақалпоғистоннинг барча шаҳар ва туманларидан келган вакиллар қардош халқларимиз дўстлигини янада мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

### ЯНА БИР ХАЗИНА

Шўрчи туманидаги 37-мактабда ўтган ўқув йилида телевизор-радио созлаш, сартарошлик, пойабзалларни таъмирлаш устахоналари ташкил этилиб, ушбу устахоналар ўқувчиларга касб ўргатиш билан бирга мактаб ҳисоб рақамига ойига ҳар бири 150 сўмдан нақд пул ўтказиб турган эдилар. Мактаб директори Неъматжон Эшназаровнинг айтишича, бу ўқув йили бошидан яна бир соҳа — қуёнчиликдан ҳам фойда олина бошлайди.

### МАКТАБНИНГ КОСАСИ ОҚАРДИ

Шу тумандаги 21-мактабда эса бу йил деҳқончиликдан яхши даромад олинди. Мактаб жамоаси шу пайтгача бўш ётган мактаб атрофидаги ердан фойдаланиб 5 центнер буғдой, 1 тонна пиёз, 5 тонна сабзи, 2 тонна картошка олдилар. Мактаб директори Тошовар Шамиевнинг айтишича, ҳали ярим гектар майдондаги мош ва 15 сотих ердаги ерёнғоқ ҳам ғиж-ғиж ҳосили билан турибди. Бераман деса, ҳеч гап эмас экан.

**Ўз ва жамоатчи мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.**

## ИШТИЁҚ

**(Кечинма)**

Тўхтаб қолган соат ҳам икки марта — вақт унга тўғри бўлгандагина алдамайди. Хотиралар ҳар бир инсон ақлида тўхтаб қолган минглаб соатлардир. Миянг қаът-қаътларида милдай санчилиб қолган хотиралар шунчалар кўпки, улар бемаврид хаёлингга ҳам келмайди. Тўғри-да. Ҳатто ўз номингниям вақт-бевақт, ҳадеб такрорлайверсанг, исминг ҳам ғайритабиийдай, сенга ярашмаган ва сенга мутлақо алоқаси бўлмаган узоқ бир нарсадай туюлади. Худди шундай, ўтмиш хотираларидан бир воқеага урғу бериб, уни синчиклаб эслайверсанг, бу воқеага ишончсизлик пайдо бўлади. Яхшиси кутиш керакми, дейман. Ўзининг вақти бўлади-ю, яъни таъбиримизча, вақт тўхтаб қолган соат милларига рўбарў келиб қолади-ю, «лоп» этиб бир воқеа эсингга келади. Қотиб турган миллар биргина дақиқа вақтнинг этагидан тутиб қолмоққа тиришади. Шундай воқеа кўз ўнгингда худди ҳозиргина рўй бергандай, ёки тушингда кўргандек (зеро, туш энг ёрқин хаёлдир) жуда-жуда аниқ намоён бўлади.

Ўтган ҳафта уйда бўлдим. Кечаси сўрида ухладим. Асад тонгининг салқинида жунжикиб уйғондим. Сўнгра хаёлимга келган бир хотира тонгги салқиндан-да ортиқроқ жунжиктирди. Укам Шерзод мактабга (1-синфга) бориш учун аллақачон кийиниб олган, ҳовлида юрарди. Одатда ҳар куни бу пайт мириқиб ухлаб ётадиган, ҳозир эса иштиёқчан уйга кириб-чиқиб юрган укамнинг (ўзини катталардек тутади) хатти-ҳаракатларида БОЛАЛИГИМни кўрдим. Тўғрироғи, болалигимнинг бир лаҳзаси — мен ҳам 1-синфга бораётган илк кунимда худди шундай иштиёқ билан мактабга ошиққаним «лип» этиб кўз олдимдан ўтди. Шерзоднинг кўнглини тушундим. У энди жуда бесабрлик билан йўлга интилар, уйдагилар тутиб турарди. Чинданам жуда вақтли эди.

Мактабимиз (Ғаллаоролдаги 33-мактаб) тарҳини ҳамиша икки хил тасаввур қилиб ўрганганман. Бири жўнгина «П» шакли. Иккинчиси анчагина шоирона чамамда: мактаб ўз шаклига кўра қучоғини очиб турган нуронийга ҳам ўхшайверади. Лекин, болаларча ўйинқароқликми, ора-чира мактабдан ҳафсаламиз совиганими (бунда кимни айблаш керак?), дангасаликми... ҳар нечук жўралар билан бу қучоқдан қочоқ бўлиб турганларимиз ҳам ёдимда. Кўпинча боришдан бормасликни афзал кўрганимиз, қизиқ билганимиз — афсусли.

Ў-ҳў, гапга чалғибмиз-ку. Мана, вақт ҳам бўлибди. Шерзод аллақачон йўлга чиқибди. Мактаб сари отланибди. Мактабнинг яхши одатига кўра бўлажак 1-синф ўқувчилари Август ойининг ярмиданоқ бу ерга тўпланади. Улар ўз муаллимлари ёрдамида мактаб билан, янги ўртоқлари билан танишишади. Юқори синф ўқувчилари 1 сентябь куни келар эканлар, уларни мактабнинг хўжаларидай кутиб оладиган ҳам шу жажжилар. Кўнгилдан ният кечади. 1-синфга илк бор келаётгандаги энг самимий иштиёқ мактабни битиргунча болалар дилида сақланиб қолсайди, мактабга бориш ҳамиша бормасликдан қизиқ бўлсайди! Эҳ, қанийди, ҳар бир мактаб ҳар бир болага қучоғини очиб турган нуронийни қайта-қайта эслатаверса!...

Даврвоқе, нимасини айтасиз, ниятлар ҳам, гаплар ҳам, дардлар ҳам кўп. Ҳаммасининг мавриди бор. Ҳозир кези экан, бир хотира ёдга тушди — тўхтаб қолган соатимизга вақт тўғри бўлиб қолди-да, бир дақиқа. Биз ҳам эсладик-қўйдик.

Икром ИСКАНДАР.

*Истиқлол фидойилари*

# ТАРАҚҚИЙПАРВАР

*Туркистон XX аср бошида уйғониш даврини кечирмоқда эди. Туркистон ўлкасини маънавий инқироздан олиб чиқиш учун Мунаввар қори каби тараққийпарвар инсонларнинг хизмати катта бўлди. У ўлкада, энг аввало, янги усулдаги мактаблар ташкил қилишни англаб етган инсонлардан. Унинг ўзи ҳам амалий равишда усули жадид мактабини Тошкентда 1901 йилда ташкил қилган. Бу мактаб учун ўқув дарсликлари ҳам ёзган. Унинг «Адиби аввал» (Биринчи муаллим), «Адиби соний» (Иккинчи муаллим), «Ер юзи» (Жуғрофия) дарсликлари 1917 йилгача бир неча маротаба чоп қилинди.*

*Мунаввар қорининг севимли шогирдларидан Лазиз Азиззода шундай ёзган эди: «Мунаввар қори... ниҳоятда ўткур фикрли, бақувват мафкурачи, оммани бир ишга тўла сафарбар қилиш керак бўлса, уни илҳомлантира олувчи қобилиятга эга стратегик куч, ўта устамон дипломат. Айтишим мумкинки, унга тенг келадиган куч ва тафаккур соҳиби йўқ. Унинг фикри доимо ҳиссиётдан кучлироқ. Чунки, ўз хатти-ҳаракатида у жуда кам хато қилади».*

*Мунаввар қори нафақат муаллим, мураббий, олим, қолаверса, жамоат арбоби, кучли публицист, муҳаррир ҳам эди. Унинг ташаббускорлигида нашр этилган матбуот даврнинг оғирини енгил қилишга ёрдам берди. Жадидларнинг тўнғич газетаси «Тараққий»нинг (1906) ташкил топишида Мунаввар қорининг хизматлари беқиёс бўлди. У «Хуршид», «Нажот», «Кенгаш» каби газеталарини ташкил қилди ва унинг ўзи бу газеталарга бевосита муҳаррир бўлди. Матбуотдаги чиқишларида болаларнинг тарбияси, ахлоқига оид мақолалар кенг ўрин эгаллаган. Уларда жамиятнинг келажаги учун қайғуриш бош масала қилиб қўйилади. Қуйида берилаётган «Бизнинг жаҳолат...» мақоласи бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотмаган. Мақолада, бир қарашда, Навоий, Фузулий, Бедил каби атоқли шоирларимизнинг асарларини «ўқитманг» дейилгандек туюлади. Бироқ бу фикрлар саводни чиқариб, кўп ўқиб, уларнинг маъноларини уқиш даражасига етганда ўқитилиши керак, деган маънони билдиришини назардан қочирмаслик лозим. Ҳарф ўрганиш жараёнида эмас. Ушбу мақолани ҳукмингизга ҳавола этмоқдамиз. Хулосани ўзингиз чиқаринг.*

**Нормурод АВАЗОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

## БИЗНИНГ ЖАҲОЛАТ...

Ҳар миллатнинг мактаб ва мадрасаси ўлдуғи каби бизнинг ҳам мактаб ва мадрасаларимиз гарчи бенизом ва беусул ўлса ҳам йўқ демак даражада оз эмасдур. Ҳар миллат авлодини тарбият ва таълим илмда кўрсатган ҳиммат ва ғайрати каби бизларда ҳам ўз маъсум авлодларини жаҳолат ва ғафлат зулматда қолмоқиға ҳеч бир ризолари ўлмай қўлларидан келганича тарбият ва таълим авлодда қусурлик кўрсатмагувчи зотлар мавжуддирлар. Ва лекин дунёга нима учун келганин билмай илм ва маорифға асло рағбат қилмай жонидан ширин болаларини кўча-ба кўча кездуруб бечора маъсумни азиз умрини жаҳолат оташина ёндирғувчи беҳамият ва бедиёнат оталар ҳам орамизда оз эмасдур. Кўп диндошларимизни кўрармизки, ўз фарзандларини асло мактабға бермай орқаларидин эргаштируб, руслар эшигида ўзлари каби хизматчиликға ўргатуб, дунё ва охиратни саодати ўлғон илм ва маорифдин маҳрум қўймоқдин ҳеч бир ибо қилмаслар.

Баъзи азизларимиз бордурки ўғлини қўлидин тутуб мактабға олиб борур. Муаллимдин талаб қилурки: — Тақсир шу ўғлумни гўшти сизники, устихони бизники, бир илож қилиб тезлик ила нақд ва насия ёзмоқни ўргатиб берурсиз, деб.

«Эшакиға ярашур тушови» деган сатрларни мақолича муаллимларни ҳам аксарлари қонуни таълим ва тарбиятдин бутун-бутун бехабаркашлар ўлиб, балки ўқув ва ёзувни ҳам лозиминча билмасликлари важҳидин бечора маъсумларни истеъдод зотиясиға назаран икки йил тарафида жамиъ лозимоти динияни билдирмоқ мумкин ўлғон ҳолда тўрт-беш йилгача ҳижо усули бирла дунё ва охиратға фойдаси ўлғон Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз ва Бедиллар каби мушкул манзума китобларға умри азизини барбод этарлар.

Ҳой Ватандошлар! Диққат назари ила боқинг! Бир болани мактабға бермакдин мақсад ва ижобат диниямиз ўлғон илми қироат, масоили эътиқодия, фарз, вожиб, санъат, мустахаб, ҳаром, макруҳ ва намоз ва рўза ҳеч ўзгаларни ва ҳам зарурият дунёмиз ўлғон илми ҳисоб, жуғрофия, таърих, хусусон таърихи ислом каби фойдалик илмларни билдурмоқ ўлғон ҳолда жоҳил домлаларни таълими фалонни қоши қаро, кўзи қаро, юзи оқ, сўзи ширин деб болаларни фасод ахлоқиға бир неча сабаб ўладурғон манзума китоблар ўлмиш.

Бу хусусда отада ҳам айб йўқ. Чунки бу бечорани эътиқодида болани ўқутмоқ ёлғиз нақд ва насия ёздирмоқдин иборатдур. Муаллимда ҳамият йўқ. Чунки бу зикр қилинғон илми зарурияларини бечора муаллимнинг ўзи ҳам билмас, балки баъзиларининг исмини ҳам эшитган эмас. Бечора на қилсун? Начора бефойда бўлса ҳам мактабларда болаларға ўқитгудек булардин бошқа бир китоб топилмағон замонларда ўзи ўқуб билғон китоблари шу китоблар ўлдиғи чун эски ўринларда эски тушларин кўрмакдадур.

Мана бу сўзимдин Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз, Бедиллар каби улуғ зотларни таҳқир қилди, деб гумон қилинмасун. Чунки мани ғаразим бу китобларнинг зотини бефойда демак эмас, балки ёш болаларға бу китобларни таълими бефойда демакдур. Масалан, болаға Фузулий ўрниға Илми Қироат, Навоий ўрниға Масоили эътиқодия, Хўжа Ҳофиз жойиға Масоили илмият, Бедил бадалиға илми ҳисоб ўқитулса дин ва динияси учун қанча фойдалар ҳосил қилиб мусулмон ўлур. Билъакс бу китобларни ўзи ўқитулғон ҳолда бу фойдалардин маҳрум қолиб, балки фасод ахлоқиға мубтало ўлмоғи ҳам эҳтимолдур. Чунки бу китобларни тасниф қилғон зотлар Оллоҳ таолоға рағбат пайдо қилғон кишилар ўлғонлари учун айтган сўзларини зоҳирий шариатға мухолиф ўлса ҳам ҳақиқати мувофиқдур.

Чунончи мавлоно Фузулий дерки:

**ФАРД**

(Санамлар саждасидур бизда тоат тангри учун зоҳид Кими кўрсанг сен ўз динингда такаллуф номоз ила) ёки

**(Хўблар моҳроб обрўсина майл этамиз фақия**

**Ўлса кофирдур мусулмонлар анга қилманг номоз)**

Мулла Ҳофиз дерки:

**(Май нушки амри жовидони ин аст**

**Кайфияти рўзгори фоний ин аст**

**Ҳангоми гули лолави ёрон сармаст**

**Хуш боши дамиеки зиндагони ин аст)**

Бу каби сўзларни зоҳирий мухолиф китоб, санъат бўлса ҳам ҳақиқати бир бошқадир. Аммо ёш болаларда ёкига шубҳа йўқдурки буни ҳақиқатин билмасалар. Балки ўқитган муаллимлари ҳам билмаслар. Ночор зоҳирий ила амал қилиб фасод ахлоқиға мубтало ўлмоқ хавфи бордур. Баъзи жаҳолат дермишки, бу тартиб Ҳазрати Имоми Аъзамнинг тартиблари, буни бузаман деган кишини ўзи бузулур. Ажабо бу каби жаҳолат ҳам бўлурми? Бу жоҳил маркаб эмасму? Чунки бу жоҳиллар Ҳазрат Имом Аъзамни умидларида бу китоблардин ҳеч бир асар олмоғонини билмаслар. Билмаганларини ҳам билмаслар. Қачон ул жанобни замонларида Фузулий ё Бедил ё Хўжа Ҳофиз ё Навоий бор эди? Қачон ул жаноб бу китобларни болаларга таълим бердилар. У жаноб каби зотни ҳақлариға бу каби ёлғон, туҳмат қилғон жоҳилни иншооллоҳ ўзи бузулур.

Баъзи нодонлар дермишки, шу китобларни ўқуғунча болаларни саводи чиқмас. Бу ҳам эътиқоди фасод ва давойи бедалилдур. Чунки бу эътиқод дуруст бўлса эди, Туркистон вилоятидин бошқа вилоятларда ҳеч кимнинг саводи ўлмас эди. Ваҳоланки бошқа вилоятларда хат билмайдирғон киши юздан ўн ўлса, Туркистон вилоятида юздан тўқсондур. Мундан ҳам маълум ўлурки, саводи чиқмоқ бу китобларни ўқимоқға мувофиқ эмас. Балки бу китоблар ғоят қийинлигидан болаларни бесавод қолмоғиға ҳам сабаб ўлур. Чунки бу китоблар ўқиладурғон мактабларда эллик боладан ўн бола тўрт-беш йилда базўр ушбу китобларни ўзинигина хатини таниб чиқур. Бошқа китобларни яна дуруст билмас. Аммо бу китоблар ўқилмайдиғон жадидий китобларда икки йил ичида эллик болани қирқ тўққизи, балки ҳаммаси неча хил илмлардин имтиҳон бериб чиқар. Боз бу китобларни ҳам билур. Ҳай, дурустроқ ҳам билмасин? Лекин, илм кони бирла болани бу дунёсиға ва на охиратиға ҳеч бир зарари йўқ. Чунки бу китобларни ўзини дунё ва охиратиға ҳеч бир фойдаси йўқ. Балки зарарининг эҳтимоли болада зикр қилинди. Хайр, келайлик саодат каломиғаки, ўғлини мактабға бермакдин мақсади нақд ва насия ёздурмоқ ўлғон жоҳил отани ўғлиға қилғон муаллим бечорани тарбият ва чеккан машақатини ва маъсум бечораға мактабда берган кулфатини ёзиб битурмак мумкин эмасдур. Кўргуси ва билгуси, келгиси келган киши бизни Тошканд мактабларини бириға кириб икки соат истиқомат қилсун. Шунча демак мумкундурки, муаллум- афанди қўлида зўр бир таёқ қайси болани боши ҳаракатдан қолса ушбу таёқ шул болани бошида ўлур. Аммо ўқиғон-ўқимағон ила ҳеч кимнинг иши йўқ. Бошини қимирлатиб ўлтурса кифоя қилур. Ҳаттоки ўтган йилларда бу тариқа золим муаллимларни таёғини остида вафот қилмоқ ҳам воқеъ ўлди. Бу тариқа золим, бад хулқ жоҳил муаллимларни тарбиясида ўсган болалардин нима умид қилмоқ керак. Фасод ахлоқидин бошқа бир иш ўрганмас. Жоҳил оталарни умид этдуклари нақд ва насия ёзмоқ ҳам танҳо ўндин бир, йигирмадин бир болаға ҳосил ўлуб бошқалари эса мактабда ўқимоқ игна ила чоҳ қазимоқдан ҳам қийин (мушкул) экан, дея қочару кетар. Бунга сабаб муаллимни бад хулқи, мактабни беинтизомлиги ўлур.

Агар бизларни мактабларимиз бошқа миллатлар мактаблари каби бир низомға қўйилуб, яхши муаллимлик вазифасини лозиминча адо қилурлик кишилардан муаллимлари тайин қилинса эди, маъсум авлодларимизни руҳоний ҳаётиға дунё ва охиратини соадатиға биринчи сабаб ўладурғон илм маорифдин бу даражада маҳрум ўлмоғига сабаб ўлмас эдик.

Ҳой қариндошлар, вой миллатдошлар! Кўзингизни ғафлат уйқусидан очиб атрофимизға назар солмоғимиз лозимдур. Ҳар миллат ўз саодат ҳоли ва истиқболининг муҳофазасига биринчи восита илм ўлмоғиға қаноат ҳосил қилиб илм ва маорифига ортиқ даражада кушиш қилғон бу замонда бизлар бу ғафлат ва жаҳолатимизда давом этсак, истиқболимиз ниҳоятда хавфлик бўлуб, ҳамма оламға масхара ва кулгу ўлмоғимизда ҳеч шубҳа йўқдур. Балки бу жаҳолат зулматида саодати охуруядин маҳрум қолмоқ хавфлидур.

Бу жаҳолат натижасидурки, ўзимиз ерлик мусулмонлардин ўлдуғимиз ҳолда мусофир рус ва яҳудийлар эшигида мардикор ва хизматчи ўлдук. Ва бу жаҳолат хоҳишидурким миллат фойдаси учун жонин қурбон қилмоқға лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидан чиқориб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва пивохоналарға сарф этмакдадурлар.

**Қори МУНАВВАР ибн АБДУРАШИДХОН.**



*Хотира*

# УСТОЗНИ ҚЎМСАБ

### УНИНГ БИРИНЧИ ШЕЪРИ 58 ЙИЛ АВВАЛ БИЗНИНГ ГАЗЕТАДА ЧОП ЭТИЛГАН

Алп Жамол... Шу табаррук исмни тилга олишингиз билан «Телевизион миниатюралар театри»да қарийб 25 йил хизмат қилиб, миллионлаб телетомошабинларга кулгу улашган адиб, устоз кўз ўнгингизда гавдаланади.

Алп Жамол (Жамолиддин Асомиддинов) 300 га яқин ичакузди телевизион миниатюралар, «Тўйдаги тутун», «Мубтало», «Тузоқ», «Қувғин», «Бир қизга минг ошиқ» каби 20 га яқин турли драматик асарлар муаллифидир. Унинг миниатюралари «зангори экран»да, спектакл, пьесалари республикамиз вилоятлари ва Тошкентдаги театр саҳналарида ҳамон қўйилиб келиняпти.

Эл назарига тушган «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи» кўрсатувларида Жамолиддин Асомиддиновнинг ўнлаб асарлари намойиш этилиб, халқимизнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлди, оила, маҳаллада ёшлар тарбияси учун катта тарбиявий, маънавий аҳамиятта эга одобномага айланиб қолди. Чунки унинг ҳар бир асари экран қаршисида ўтирган телетомошабинларнинг қалбини пора-пора қилиб тўлқинлантирар, ҳаётнинг мураккаб жумбоқлари тўғрисида кенг муҳокама қилишга мажбур этарди.

Жамолиддин ака бир неча улфатлар билан гапгаштакда бўларди. Тўкин дастурхонли-меҳмоннавоз эди. Ёзувчи Ёқубжон Шукуров, Мели Норматов, Анвар Тожиев, Саидғаффор Жабборов, Неъмат Дўстхўжаев, марҳумлардан Ғани Жаҳонгиров, Абдувосиқ Зиёев, Аббос Азимов каби қаламкаш дўстлар гурунгида Навоий, Саъдий, Фузулий ғазалларидан ёд айтарди, ҳар бир даврага қувноқ қаҳ-қаҳа ва файз олиб кирарди.

Жамолиддин ака билим олишга ёшлигидан иштиёқи баланд бўлгани сабаб ўрта мактабни битиргач, институтга киришга ҳаракат қилган. Лекин «бойнинг ўғли» бўлгани учун уни ўқишга қабул қилишмаган. Шундай бўлса-да, Жамолиддин ака ўзбек мумтоз адабиётини, Туркистон халқлари адабиёти ва тарихини мустақил равишда мукаммал ўрганади. Араб, форс ва тожик тилларини пухта ўрганиб, шу тилда асарларни бемалол ўрганиб таржималар қилади.

1935 йилда қадрдон дўсти, журналист Иноят Махсумов ёрдамида Тошкент шаҳрининг Себзор даҳасидаги Улуғбек номли ўрта мактабга ишга кириб адабиётдан дарс беради. Унинг ижодий фаолияти 1930 йилларнинг ўрталаридан бошланади. «Навоийга» сарлавҳали биринчи шеъри 1937 йилда «Ўқитувчи» газетасида эълон қилинади. 1943 йилда булунғурлик Фозил бахшига мирзалик қилади. Ўша даврларда жуда машҳур бўлган бу бахшининг кўплаб достонлари Алп Жамол қўли билан қоғозга кўчган.

1940—50-йилларда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлайди. Бу даврда у кўплаб шеър, достонлар ёзади.

Мўғуллар босқинчилигига қарши курашда мислсиз жасорат кўрсатган халқ қаҳрамони Жалолиддин Мангубердига бағишланган «Жалолиддин» достони ўша йилларда ёзилган бўлиб, бу асарга атоқли олим, шоир ва драматург Мақсуд Шайхзода юқори баҳо берган эди.

1950 йили «Навоийнинг диний қарашлари» мавзуида институтда илмий кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда баъзи олимлар Навоий динга қарши бўлган ва ҳаттоки у худога ишонмаган, деган фикрларни билдиришади. Жамолиддин ака сўзга чиқиб, уларнинг фикрларини рад этиб, Навоийнинг шеърларидан, ҳамда тарихчи олим Хондамирнинг асарларидан мисоллар келтириб, Навоий — диннинг ҳомийси бўлганлигини исбот қилиб маъруза қилади. Шу нутқи учун Жамолиддин Асомиддинов ўша куниёқ ишдан бўшатилади.

1960 йил Жамолиддин ака ҳаётида катта фожеа содир бўлади. Алпиддин деган ўғли билан Марҳамат деган қизи машина ҳалокатида ҳаётдан кўз юмишади. Алпиддин «Алп Жамол» тахаллуси билан ёшлигидан шеърлар, кичик ҳажмдаги пьесалар ёзарди. Яхшигина расмлар чизарди. Ўта қобилиятли бўлган бу фарзандига Жамолиддин аканинг меҳри ўзгача, уни «катта ёзувчи бўлади» деб умид қилардилар. Умидсизликка тушмаган Жамолиддин ака «Алп Жамол»ни ўзига тахаллус қилиб яна адабиётта кириб келди. Ўзбекистон телевидениесида мухбир, «Телеминиатюралар бўлими»да катта муҳаррир бўлиб ишлади.

Алп Жамолнинг халқ орасида кенг тарқалиб кетган «Ўзимизнинг Қоплон», «Ошхона мушуги», «Пахтакор» енганда ва енгилганда», «Пишт», «Ҳасраткаш ошиқ» телеминиатюралари, «Бевафо экан», «Ғизғизон» комедиялари қайта-қайта намойиш этилиб, томошабинларга олам-олам қаҳ-қаҳа улашаётибди.

Алп Жамол асарлари Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов, талантли ҳажв усталари Ҳасан Йўлдошев, Садир Зиёвуддинов, Роза Каримова, Ғайрат Убайдуллаев, Абдураҳмон Аҳмедовларни кашф этди.

Устоз Алп Жамол оилада меҳрибон ота, маҳаллада маслаҳатгўй эдилар. Фарзандларининг камоли ҳақида қайғуриб, уларни ўқитдилар, одобли, аҳлоқли қилиб тарбияладилар. Ўғиллари: Абдураҳмон — фан номзоди, Темурғолиб — талантли мўйқалам соҳиби, қизлари: Манфаат — журналист, Дилафрўз — Ўзбекистон тарихи институтининг илмий ходими, Муҳиддин, Низомиддин, Эҳсониддинлар ҳам эл-юрт хизматида сидқидилдан ишлаб Жамолиддин Асомиддинов — Алп Жамол номини улуғлаб келишяпти.

Пойтахтимизнинг Жарариқ мавзеси аҳолисининг истаклари инобатта олиниб, марҳум ёзувчи яшаган жой ва Шайхонтоҳур районидаги маҳаллалардан бири ҳамда катта фирма Алп Жамол номи билан аталди.

Ўз вақтида Алп Жамол тахаллуси билан қалам тебратган ёзувчи ва драматургнинг хизматларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Матбуот маркази ҳамда «Алп Жамол» фирмаси ҳамкорликда «Алп Жамол» номидаги ҳар икки йилда бериладиган 3 та мукофот таъсис этди. Илк мукофотлар устоз Алп Жамолнинг таваллуд топган кунларининг 80 йиллик тўй тантаналарида топширилади.

Устоз Алп Жамолни ўз асарларида, дилкаш суҳбатларида одамийликни, олийжанобликни, инсон қадр-қийматини эъзозлашни юқори поғоналарга олиб чиққан ажойиб сиймо сифатида дўстлари, шогирдлари ҳамиша эслаб туришади. Устоз Алп Жамолнинг тўкин дастурхон устида меҳмоннавозликларини, кулгу ва қаҳқаҳага бой суҳбатларини ҳамиша қўйсаймиз. Ҳаёт бўлганларида 80 йиллик тўйларини қутлардик.

**Тоҳир МУЛЛАБОЕВ,**
**Ўзбекистон телевидениеяси «Болалар ва ўсмирлар таҳририяти»нинг гуруҳ раҳбари, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.**

## БИР ҚИШЛОҚ МАКТАБИДА

МАКТАБ ДИРЕКТОРИНИНГ ХОНАСИ. ЭШИКДАН ИЛМИЙ МУДИР БИЛАН ДИРЕКТОР КИРИБ КЕЛАДИЛАР

ИЛМИЙ МУДИР — Мактаб сиз билан экан, Наби Набиевич, йўғингиз шундай билиндики, қани, ўз ўрнингизга ўтиринг. Роса қийналдим-да. Бир ёқда илмий мудирлик, бир ёқда дарс тақсимлаш, бир ёқда болаларни ҳисобга олиш, буни орасида ҳали Районога чопаман, ҳали Облонога чопаман. Хуллас, йўғингизни билдирмасликка ҳаракат қилдим.

ДИРЕКТОР — Яшанг, мен ҳам курортда дам олгандай бўлмадим. Хаёлим мактабда бўлди. Хўш, дарсларни қандай тақсимладингиз?

ИЛМИЙ МУДИР — Ўтган йилга нисбатан бироз ўзгариш билан тақсимладим. Графикнинг бир нусхаси тортмангизда. (Тортмадан дарс жадвалини олиб, столга қўйиб тушунтира бошлайди).

— Районодан кимё ўқитувчиси сўраган эдик, дарс соати кам экан, деб келмади. 8—9-синф кимё дарсини адабиёт ўқитувчисига бериб қўя қолдим.

ДИРЕКТОР — Тарих ҳам адабиёт ўқитувчисидами?

ИЛМИЙ МУДИР — Ҳа, тарих, она тили, ҳуқуқ, кимё адабиёт ўқитувчисида. Алгебра, геометрия, анатомия, чизмачиликни сизга ажратдик.

ДИРЕКТОР — Мен геометрия, чизмачиликни яхши билмайман-ку!

ИЛМИЙ МУДИР — Китоб бўлса бор, тайёр қўлланма, амаллайверасиз. Эгри бурчак, тўғри бурчак, уч бурчак... Шуда.

ДИРЕКТОР — Ашула дарси нима бўлади?

ИЛМИЙ МУДИР — Ашула билан расмга ўқитувчи топиш жуда қийин! Уни ўзимга олиб қўя қолдим. Начора, нима мен расм чизишни биламанми?! Кеча доскага чойнакнинг расмини чизган эдим, бир Расул деган маҳмадона бола бор: «Чойнак шунақа бўладими, устоз?» — деди. Чойнак деган ҳар хил бўлади, бу янгича чойнак, дея қолдим. Энди чет тилига ўқитувчи бўлмай, гаранг бўлиб турибмиз. Рус тили ўқитувчисига айтсам, олмади.

ДИРЕКТОР — Хўш, нима қилмоқчисиз, энди?

ИЛМИЙ МУДИР — Чет тилини завхозга бериб қўяқолсаммикан?

ДИРЕКТОР — Завхоз чет тилини биладими?

ИЛМИЙ МУДИР — Билса керак, юрган йўлида «гудбай, гудбай» — деб юради-ку.

ДИРЕКТОР — Чақиринг «Гудбай»ни. (Илмий мудир чиқиб кетади, директор ўзича). Биз-ку майли-я, завхозда ўқиган болаларнинг аҳволи нима кечаркин?!

**Алп ЖАМОЛ.**

*XXI аср мактаби*

# МАКТАБ ҚУРГАН ДИРЕКТОР

Мактабни жамиятимизнинг келажагини кўрсатувчи бир кўзгуга қиёслаймиз. Шундай экан, унда таълим-тарбиянинг ташкил этилиши давлатимизнинг истиқболни кўзлаб қилаётган бугунги ишларига монанд бўлмоғи лозим. Ҳозир ишлаб чиқариш соҳаси деярли ўз-ўзини таъминлаш йўлига ўтди. Таълимнинг давлат бюджети томонидан маблағ билан таъминланаётганлиги эса бизнинг боқибеғам бўлишимизга асос бўлмаслиги керак. Нега деганда, республикамизнинг тараққиёт сари ташлаётган қадамига ҳар биримиз мадад бўлишга бурчлимиз. «Маърифат» газетасида эълон қилинган «Иш билганга эл эргашар» мақоласида таъкидланганидек: *«Зотан бугунга келиб мактабга раҳбарликнинг ҳам шакл ва мазмуни ўзгарди. Раҳбарнинг ишбилармонлик, омилкорлик, мураккаб вазиятлардан чиқишга йўл топа билиш, иқтисод ва тежамкорликни тўғри йўлга қўйиш, жамоани ортидан эргаштира олиш каби фаолият тамойилларига кўпроқ диққат-эътибор қаратмоқда».*

Замон талабидан келиб чиқиб айтилган бу гаплар ҳар бир таълим маскани раҳбари зиммасига салмоқли вазифалар юклайди.

Самарқанд вилоятида хизмат сафарида бўлганимизда айнан шу гапларни амалда қилаётган мактаб директорларини кўриб қувондик. Айниқса, бу борада Паст Дарғом туманидаги 67-ўрта мактаб директори Хотам Қодировнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Х. Қодиров умумтаълим тизимининг кўпгина босқичларида хизмат қилганлиги боис, ишни нимадан бошлашни тўғри топти. Тумандаги 45-мактабда ишлаган кезлари ўқувчилардан алоҳида гуруҳ тузиб, С. Турсунов номидаги ширкатлар уюшмаси билан ҳамкорликда ўз шахсий жамғармаси ҳамда уюшма ёрдами эвазига ташландиқ жойда янги мактаб биносини қурди. Очиғини айтадиган бўлсак, Х. Қодиров қўлидаги маблағни бошқа нарсага сарфлаганда, анчагина қўшимча даромад кўриши ҳам мумкин эди. Бироқ у ўз Ватани тараққиёти йўлида шахсий манфаатидан кечди. Бир кун келиб, шу мактабда таълим-тарбия олиб кетган ўқувчиларнинг камолини кўриб, кўнгли фахрга тўлиб юришдан-да лаззатлироқ он бўлмаслигини англади.

Ташаббускорнинг аниқ режаларига кўра бошланган иш давом этди. Дастлаб уюшма билан келишган ҳолда мактаб ихтиёрига 2,20 гектар ер олинди. Унинг бир қисмига 500 туп мевали дарахт ниҳоллари, иккинчи қисмига 17 минг терак қаламчалари қадалди. Кўчатлар қатори оралиғига полиз экинлари, супурги экилди.

Бу каби ишларни ўқувчилар қачон қилиб улгуришади, деган мантиқан тўғри савол туғилади? Қолаверса, уларга доимий парвариш зарур... Масаланинг бу томони ҳам Х. Қодиров томонидан пухта ўйлаб қўйилган. Уста боғбонлар билан ўзаро шартнома тузилиб, ҳосилга қараб хизмат ҳақи тўлашга ваъда берилган. Шундай бўлгач, албатта, ҳар бир киши имкон қадар кўпроқ ҳосил етиштиришга ва шунга яраша салмоқли улуш олиш ҳаракатида бўлади. Ўқувчилар эса фақатгина меҳнат таълими дарсларида боғда бўлишиб, боғбонлардан кўчатларга парваришни, полиз экинларига ишлов беришни, умуман олганда меҳнат қилишни ўрганишади.

Юқорида санаб ўтилган барча ишлар имкон қадар мактабнинг моддий таъминотини яхшилашга, ўқувчиларга замонавий фан ютуқлари асосида таълим беришга қаратилган. Олинган даромад мактаб таъмирига, ўқувчиларни рағбатлантиришга ҳамда турли тадбирларни кўнгилдагидек ўтказишга сарфланмоқда. Мактаб дерикторининг ҳали ниятлари катта. Спорт зали, ошхона ҳамда қўшимча синфхоналар қуриш ҳаракатлари бошланган. Эзгулик сари қўйилган бу қадамлар қутлуғ бўлишига, Хотам Қодировнинг бу ташаббусига кўплаб мактаб директорлари хайрихоҳ бўлишига ишонамиз.

**Шоира ОРИПОВА,**
**Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим бош бошқармаси мутахассиси.**

*Сафар таассуротлари*

# АНГЛИЯДА НОГИРОН БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ

Яқинда республика Халқ таълими вазирлиги ва Буюк Британиянинг «Мерси Прожикт» хайрия ташкилотлари томонидан тузилган шартномага мувофиқ биз — бир гуруҳ дефектологлар Англияда хизмат сафарида бўлиб қайтдик. Мақсадимиз у ердаги махсус таълим муассасаларида ногирон болаларга таълим-тарбия бериш ва уларга турли ёрдам ишларини ташкил қилиш, касб-ҳунарга ҳамда мустақил ҳаётга тайёрлаш бўйича олиб борилаётган иш услубини ўрганишдан иборат эди.

Сафаримиз мобайнида Лондондаги кўзи ожизлар учун қироллик институти, Редхил шаҳридаги кўзи ожизлар коллежи, Совиноукус шаҳридаги «Дортенхаус» мактаб-интернати, Лондондаги «Жозеф Кларк» мактаби, Ройгет шаҳридаги ақли ногирон болаларнинг «Линден» мактаблари билан танишдик. Ушбу муассасаларнинг 6 тасида, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларга таълим бериш жараёнида ўқитувчиларнинг иш шароитини ўргандик. Барча махсус муассасаларда ўқувчи ва ўқитувчилар учун қулай шароит мавжуд.

Бундаги дарс жараёнини кузатар эканмиз, бир нарса эътиборимизни тортди. Ҳар бир предметни ўргатиш учун дарсликлар йўқ бўлиб, болалар асосан компьютер билан ишлар экан. Мактаб-интернатларда тарих, география, кўзи ожиз болалар ҳуқуқи, жисмоний тарбия, «Брайл» саводхонликка ўргатиш, меҳнат, теварак-атрофда эркин ҳаракат қилишга ўргатиш каби дарслар асосий фанлар ҳисобланар экан. «Брайль» шрифтига ўргатиш бўйича алоҳида хона мавжуд. Болалар грифилда ёзиш эмас, машинкада ёзиш ва компьютерга киритиб, белгиланган материалларни қўл билан сезиш ва эшитиш аппаратлари орқали ўзлаштириш имкониятига эга.

Заиф кўрувчи болалар учун эса ҳарфлар ҳажмини катта қилиб кўрсатувчи компьютер ва махсус Принтер кўпайтирувчи аппаратлари мавжуд. Умуман инглизларнинг ўқитиш технологияси қулай ва юқори савияда.

Бу тарбия муассасаларини битирган болалар йўлланма асосида махсус коллежларга юборилади. Коллежга 16 ёшдан қабул қилинади ва асосан касб-ҳунарга ўргатилади. Масалан, Ретхел шаҳридаги кўзи ожизлар коллежида алоқа бўлими ходими, офисда иш бошқарувчи, кутубхоначи, чилангар, дурадгор, гулчи ва бошқа мутахассислар тайёрланади. Болалар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар коллеж дўконларида сотилади. Тўпланган маблағ коллежнинг таълим-тарбия ишини янада такомиллаштириш учун сарфланади.

Талабаларни ишга жойлаш масаласи бўйича алоҳида ахборот офиси мавжуд. Ўқувчилар коллежни битиргач, кўзи ожизлар жамияти ёки бошқа бир корхоналарда ишлаш учун юбориладилар. Ишга жойлаш масаласида уларда ҳам қийинчиликлар мавжуд бўлиб, касали оғир болалар коллежнинг ўзида (улар учун махсус ажратилган уйда яшаб) ўзларига қулай бўлган ишларни бажарадилар.

Англияда таълим-тарбия ишлари икки турда, яъни давлат тасарруфидаги ва хусусий мактабларда олиб борилади. Давлат тасарруфидаги мактабларга таълим-тарбия ишлари учун жойлардаги ҳокимият маблағ ажратса, хусусий мактабларни ота-оналар ва ҳомийлар (гуруҳлар) пул ўтказиш йўли билан моддий жиҳатдан таъминлаб туради.

Ўқитувчига маош тўлаш унинг ёши ва меҳнат тажрибасига қараб белгиланади. Шунингдек, маош тўлаш тартиби соатбай эмас, балки иш кунига ва сифатига қараб белгиланади. Ўқитувчининг дарс ўтиши ва танаффус вақтларида дам олиши учун шароитлар мавжуд. Ўқувчи ва ўқитувчининг таътил вақти бизникига ўхшаб кетади.

Англия давлатида ногирон болалар туғилган оилага эътибор катта. Касал болаларни ҳаётга тайёрлаш иши дастлаб оиладан бошланади. Бу масала бўйича қироллик институтида фаолият кўрсатувчи 17 кишидан иборат «Соғломлаштириш хизмати» маркази мутахассислари жойларга бориб ота-оналарни турли хил адабиётлар ва техник воситалар билан таъминлайди. Ҳар хил махсус ўйинчоқлар билан ишлаш қоидаларини, даволаш услубларини ўргатиб, маслаҳатлар бериб турадилар. Жумладан, Лондондаги Жозеф Кларк мактаби қошидаги «Соғломлаштириш хизмати» марказида фаолият кўрсатувчи 7 нафар мутахассислар ҳам шу ҳудуддаги 500 уй шароитидаги ва умумтаълим муассасаларида ўқийдиган ногирон болаларга амалий ёрдам кўрсатади. Бинобарин, ногиронларни ижтимоий қўллаш Англияда давлат сиёсати ҳисобланади. Давлатнинг бундай иш услуби, яъни сиёсати қонун билан мустаҳкамланган.

Англияда турли хил миллат вакилларининг болалари: Ҳиндистон, Покистон, Африка, Бангладеш, Кипр, Америка фарзандлари таълим-тарбия оладиган кўп миллатли мактаблар ҳам мавжуд.

Бизни ҳаяжонлантирадиган яна бир нарса шу бўлдики, қайси муассасада бўлмайлик, барчанинг мақсади ва иш услуби битта бўлиб, ҳар бир ишга фақат бола имкониятидан келиб чиққан ҳолда ижодий ёндашилади. Ўқитувчилар ва талабалар ҳамда маъмурият ўртасидаги муносабат ниҳоятда эркин. Иш муддатлари аниқ белгиланган. Ўқитувчилар ўз вақтида болаларга ёрдам беришга ҳар доим тайёр.

Кўзи ожиз болаларга теварак-атрофда, кўчаларда эркин ҳаракат қилиш, юриш қоидаларини ўргатиш, маиший хизматларни амалга ошириш бўйича махсус «мобил» дарси ҳар бир бола билан якка ҳолда олиб борилади. Бунинг учун махсус бир-икки йиллик курсни битирган мутахассис бириктирилган бўлиб, у ҳар куни 1,5 соатдан дарс ўтади.

Ройгет шаҳридаги ақли заиф болалар мактабининг бошланғич синфларида 65 нафар бола таълим-тарбия олар экан. Мактабга қабул қилинган бола ёши, касаллик турига қараб гуруҳларга ажратилади ва 5-6 нафар ўқувчига 1 ўқитувчи ва ассистент бириктирилади. Гуруҳлардаги 5-7, 7-9 ёшдаги болалар сони 5 тадан ошмайди, уларга бир ўқитувчи, бир ассистент бириктирилади. Ўта оғир инвалид болалар учун ҳам гуруҳ ташкил қилиниб, уларга алоҳида тартибда, яккама-якка равишда дарс ўргатилади.

Болаларни тасвирий санъат, расм, аппликация ва қўл меҳнатига, катта ёшдаги болаларни турли хил касб-ҳунарга ўргатиш, техник воситалар орқали болаларда эшитиш-кўриш ҳиссиётини ривожлантириш бўйича махсус хоналар ҳам мавжуд бўлиб, уларда болалар касаллигини даволаш билан бир қаторда дам олишга, эстетик қобилиятини ривожлантиришга ҳам қулай шароит яратилган.

Болалар кунига 4 маҳал овқатланади, овқатлари сифатли, турли хил витаминларга бой.

Англия давлатининг махсус таълими иш услубини ўрганиш натижасида шундай фикрга келдик: Даставвал, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот вазирликлари билан ҳамкорликда қўшма буйруқ чиқариб, шу асосда республика миқёсида ногирон болаларни аниқлаш бўйича диагностика ишини йўлга қўйиш зарур. Барча шаҳар, вилоят халқ таълими бошқармалари, ҳокимиятлар қошида болалар касаллигини аниқлаш бўйича маслаҳат пунктларини ташкил қилиш керак. Сўнгра қуйидаги вазифалар амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўларди:

— ногирон болалар учун махсус таълим-тарбия ўчоқларини кўпайтириш. Янги технология асосида ўқитиш, болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш. Янги концепция йўналиши асосида ўқув режаларни ихчамлаштириш, фанларни бириктириб интеграциялаштирилган усулда ўқитишга жиддий эътибор бериш;

— кўзи ожиз болалар мактаб-интернатларида ўқитувчи ва тарбиячи бир вақтда ишлашини ташкил қилиш. Махсус коррекцион фанларни ҳар бир ўқувчига алоҳида, якка ҳолда ўргатишни йўлга қўйиш;

— кўзи ожиз болалар ўқитувчилари учун педагогика ёки малака ошириш институтлари қошида 1-2 йиллик махсус курслар ташкил қилиш; унинг режасини ишлаб чиқиш ва жойларда амалий семинарлар, қисқа муддатли курслар ўтказиш ҳамда янги курсни ўтиш бўйича ўқитувчилар учун махсус инструктив ва методик тавсиялар ишлаб чиқиш; энг муҳими, ногирон болалар мактабларини махсус аппаратлар, техник воситалар, коляскалар, Брайл усулида ёзадиган машинкалар, кўпайтирувчи аппаратлар, компьютерлар билан таъминлашнинг чора-тадбирларини кўриб чиқиш зарур.

**Р. ШОМАҲМУДОВА,**
**педагогика фанлари номзоди, Республика таълими илмий-методика маркази лаборатория мудири.**

